

ЎЗБЕК ТИЛИДА ФАЛЕРОНИМЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Максуда Нишонова ХУСАНОВА

Мустақил изланувчи
Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва
адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ономастик кўлам ва унинг кўламлари, шунингдек, фалероним ҳамда унинг шаклланиши ва турлари тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: фалероним, ономастик бирлик, ономастик кўлам, медаль, орден, мукофот, кўкрак нишони.

ФОРМИРОВАНИЕ ФАЛЕРОНИМА И ЕГО ВИДОВ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Максуда Нишонова ХУСАНОВА

независимый исследователь
Университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассматривается ономастическое пространство и ее объем, а также фалероним, его образование и виды.

Ключевые слова: фалероним, ономастическая единица, ономастическая шкала, медаль, орден, награда, знак.

Ўзбек тилшунослигида атоқли от (ном)лар ва уларга муносабат қадимдан халқ вакилларининг доим эътиборида бўлган. Сабаби, номларнинг хоҳ уруғ, қабила, элат, халқ ёки шаҳар, қишлоқ, кўча (йўл)лар номи бўлсин, хоҳ у тоғ, тепа, қоя, лалми ер ва адирликлар ёхуд кўл, дарё, ариқ, қориз, қудуқ қабиларнинг номи бўлсин, айти вақтда ўша ерда яшаётган халқ, қабила, эл-элат, уруғ-аймоқларнинг тарихий тараққиётида шаклланиб улгурган маърифати, маънавиятини у ёки бу даражада ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам улар халқнинг эътирофи ҳамда диққатида турибди. Ном (атоқли от)ларга муносабат ҳамма вақт жамиятда кишиларнинг маънавияти, маданияти ва маърифатининг қай даражада юксак эканини билдириб турган. Атоқли от номшунослик бўлимини ўрганиш объекти бўлиб, у шунингдек, тарих, география, геология, фалсафа, психология каби фанларнинг ҳам

тадқиқот объекти ҳисобланади. Атоқли отлар кенг маънодаги тушунча бўлиб, кишиларнинг фаолияти, тушунчаси ва дунёқараши билан боғлиқ номлар-антропонимлар; халқнинг этник хусусиятлари асосида пайдо бўлган номлар-этнонимлар, фитонимлар (ўсимликлар номи), топонимлар (жой номлари), ҳайвонларга атаб қўйилган номлар-зоонимлар, корхона, муассаса, фирма, корхона номларини ифодалайди. Номшуносликда мазкур номлар ономастик бирликлар деб аталади. Ономастик бирликлар дейилганда, аслида конкрет атоқли от кўзда тутилади [12]. Таниқли рус номшунос олими А.В.Суперанская бу мавзуга махсус тўхталиб, номларнинг мажмуи, йиғиндисини ономастик кўлам (ономастическое пространство) деб атайди: “Ономастик кўлам – бу муаян халқ тилида реал, тахминий ва хаёлий объектларни номлаш учун қўлланиладиган атоқли отлар мажмуидир” [6]. Маълумки, ономастика (юн. *ονομαστικη* – ономастикос – ном бериш санъати) – тилшуносликнинг тилдаги ҳар қандай (барча тип) атоқли отларни тадқиқ қилувчи соҳасидир. “Пространство” сўзи эса, русча-ўзбекча луғатда “кенг сатҳ, кенг майдон, бўшлиқ, катта кенглик “[7] деган маъноларни англатади. Ушбу терминни ономастик сатҳ, ономастик майдон деб аташ ҳам мумкин, аммо номшунос олим Э.А.Бегматов “кўлам” сўзи бу терминни кенг қамровда очиб беришини таъкидлайди: “Биз “пространство” сўзини кўлам сўзи билан бериш мақбул деб ҳисоблаймиз. Бу сўзнинг маънолари кенг қармовли ҳамда қайд қилинган тушунча талабига мос келади” [2]. Ҳар қандай тил луғавий таркибининг ажралмас қисмларидан бирини атоқли отлар ташкил қилади, фикримизча, “ономастическое пространство” бирикмасини “ономастик кўлам” ёки “ономастик тизим” деб таржима қилса бўлади, чунки антропонимика, топонимика, космонимика, этнонимика ва бошқалардан ташкил топган махсус тизимдир [12]. Ўзбек тилининг ономастик кўламини тилдаги барча атоқли от кўринишларининг мажмуи ташкил этади. Ономастик кўламлар суперкўлам, макрокўлам, микрокўлам ва яна кичикроқ кўламларга бўлиб ўрганилади. Ономастик макрокўламни антропонимлар, топонимлар, зоонимлар, космонимлар, гидронимлар, идеонимлар ташкил этиб, улар

давомли кўламларга бўлинадиган микрокўламлардан иборат. Ономастик суперкўлам таркибига кирувчи бошқа ёрдамчи кўламларга бўлинмайдиган макрокўламларга қуйидагилар киради: теонимия, дигнитоним, фитонимия, хрононим, анемоним, хремотоним, политоним, эргоним, фалероним, стратоним, байрам, юбилей ва бошқа хил тантаналар атоқли оти, машҳур кампания ва урушлар, кўзғолонлар, инқилоб, сиёсий тўнтариш ва бошқа атоқли отлар, сиёсий ва бошқа хил уюшмалар, жамоалар атоқли оти [2]. Ономастиканинг суперкўламлар таркибидаги макрокўламлари ҳажман салмоқдорлиги ва турлари билан бир-биридан фарқланади. Э. Бегматов фикрига кўра, макрокўламнинг ҳажман салмоқдорлари антропонимия, топонимия, некронимия, илмий, бадий санъат асарларининг атоқли от кўламидир. Уларга нисбатан масалан, политоним, дигнитоним, фалероним, анемоним ва бошқалар миқдоран ва ҳажман салмоқли эмас [2]. Ушбу миқдоран ва ҳажман салмоғи кам бўлган макрокўламларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича деярли илмий изланишлар олиб борилмаган. Мазкур макрокўламларни ўрганиш ва тақиқ этиш ҳозирги ўзбек номшунослиги олдида турган долзарб масаладир.

Бошқа давомли кўламларга бўлинмайдиган макрокўламлардан бири фалероним бўлиб, у илмий манбаларда тилга олинса-да, махсус ўрганилмаган, етарли тадқиқ этилмаган атоқли от турларидан бири. Фалероним рус номшунослари томонидан қисман ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Рус номшуносолимаси Н.В.Подольская фалеронимларни тасниф қилмаган, бироқ луғатида ушбу атамага қуйидагича таъриф берган: Фалероним (лот. “Энг жасур легионерларга бериладиган нишон” +оним) ҳар қандай орден, медаль, нишон белгисининг атоқли оти [5]. У бажарган ишларини рағбатлантириш учун энг довурак, жасур кишиларга берилган фақат нишонларни назарда тутган. И.В.Крюкова қуйидагича тасниф беради: медаль, мукофотлар, орденлар, совринлар номи (фалероним).

В.Г.Бурков ўзининг “Рус фалеронимлари ва фалеристикаларининг тарихшунослиги [3] асарида тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашиб,

фалероним атамаси қадимги адабиётларда турли маъноларда, жумладан, ҳарбий белги маъносида учрашни таъкидлайди. Қадимги рус нишонлари ҳақидаги тушунчани XIX асрнинг иккинчи ярими – XX асрнинг бошларида бир қатор тадқиқотчилар, биринчи навбатда, Германиялик (О.Жон, Р.Штайнер, Ф.Митс, Х.Хоффмонн, Ф.Фремерсдорф)лар томонидан берилди. “Фалера “сўзи 1888 йилда, дастлаб Санкт Петербургда, немис тилидан рус тилига таржима қилинган Ф.Любкернинг “Классик антик даврнинг ҳақиқий луғати “асарида учрайди. 1937 йил чехиялик коллекционер ва мукофот тадқиқотчиси Олдрич Рилтс томонидан илк бор луғатга киритилган. Кейинчалик рус номшунос олими А.В.Суперанская 1973 йилда тилшунослик соҳасига биринчи бўлиб, “фалероним” сўзини муомалага киритди. У сўзнинг асоси “фалер” аллақачон мавжуд бўлганидан келиб чиқиб, ҳар қандай мукофот ёки нишон номини умумлаштирувчи “фалероним” номи билан атаган [4]. А.В.Суперанская турли мукофотларни номлари деб атаган бўлса-да, ўзбек номшуноси Э.Бегматов фикрича, “Фалероним – ҳар қандай орден, медаль, кўкрак нишонларининг атоқли оти” [2]. Бизнингча, кишиларнинг жамиятда қилган ишлари, бажарган вазифалари, яратган ихтироларига қараб, уларнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши унвон ва мансаблар дигнитонимлар, медаль, орден ва мукофотлар, кўкрак нишонлари билан тақдирланишини билдирувчи атоқли отларни фалеронимлар деб атасак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фалеронимлар халқ ҳаётининг турли даврларида вужудга келган, халқнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти тарихи, маданияти ва тили ҳақида муайян қимматга эга маълумотларни ифодаловчи қадимий унвон номлари бўлиб, уларни шартли равишда қуйидаги тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

1. *Орден фалероним*
2. *Медаль фалероним*
3. *Кўкрак нишонлари*
4. *Давлат мукофотлари.*

Орден лексемаси рус-лотин тилидан олинган бўлиб, турли соҳа кишилари ўз вазифаларини намунали бажарганлиги учун тақдирланади. Ўзбек номшунослигида фалеронимлар назарий, амалий жиҳатдан ўрганилмаган. Мазкур фалероним изоҳи қуйидагича: Орден (лот ordo – катор, даража) – 1. металл нишон, тақдирлаш белгиси, ҳарбий ёки фуқаролик хизматлари учун бериладиган фахрий мукофот. 2. Ҳарбий ёки гражданлик бурчини намунали бажарганлик учун бериладиган турли даража ва номдаги нишон. Ленин ордени. Меҳнат Қизил Байроқ ордени. “Қаҳрамон она” ордени. Орден билан мукофотламоқ. [8] Бу фалеронимнинг тақдирлаш белгиси сифатида вужудга келиши рицарлик тарихи билан боғлиқдир. Рицарлар бошига алоҳида буюм-нарсга кийиб, бўйинларига эса қимматбаҳо металлдан ясалган крест (хоч) тақиб юришган, бу уларнинг муайян рицарлик ташкилоти (орден)га тегишлилигини билдириб турган. Орден XIV-XVI асрларда сарой амалдорларига белги, кейинроқ мукофат сифатида берилган. Ислом дини тарқалган Туркия, Эрон ва араб давлатларида подшолар бўйруғи билан хизмат кўрсатган одамлар тақибга мўжалланган ярим ой шаклдаги нишонлар билан тақдирланган. Россияда биринчи ордени Петр I 1698 йилда (Авлиё апостол Андрей Первозванный ордени) таъсис этган. Биринчи совет Қизил Байроқ ордени 1918 йилда РСФСРда таъсис қилинган. Собик шўролар ҳукумати кейинчалик жуда кўп орден, медаль, фахрий ёрликлар таъсис этди. Шўролар ҳукумати тарқалиб кетгандан сўнг Ўзбекистон мустақил давлатлар ичида биринчи бўлиб ўз орден ва медалларини жорий этди, шунингдек, турли эсдалик ва коллекция тангаларини ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди [10]. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги қонунининг 8-моддаси Ўзбекистон Республикасининг орденлари тўғрисида бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: «Мустақиллик» ордени; «Амир Темури» ордени; «Жалолиддин Мангуберди» ордени; «Буюк хизматлари учун» ордени; «Эл-юрт хурмати» ордени; «Фидокорона хизматлари учун» ордени; «Меҳнат шуҳрати» ордени; «Фахрий мураббий» ордени; I ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени; I ва II

даражали «Шон-шараф» ордени; «Дўстлик» ордени; I ва II даражали «Саломатлик» ордени; «Мардлик» ордени, “Имом Бухорий” ордени [1].

Фалеронимлар ичида медаллар нисбатан кўп берилади. Чунки улар орденларга нисбатан куйроқ босқичда туради. Бироқ бу фалероним билан кишилар алоҳида хизмат ёки муваффақиятлари учун тақдирланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да медаль сўзи куйидагича изоҳланган: “МЕДАЛЬ [фр. Медаилле<лот. Металлиа — металл танга] Алоҳида хизматлари ёки муваффақиятлари учун бериладиган, турли (тўгарак, ромб ва б.) шаклда ясаладиган, тегишли бўртма тасвир ва ёзуви бўлган нишон”[9]. Бошқа манбада эса медалга шундай изоҳ берилади: *Медаль* (фр. medaille, лот metallum – металл) – бирор воқеа, арбоб ёки жой шарафига чиқариладиган, одатда 2 томонига тасвир туширилган ва (ёки) ёзуви бўлган, кўпинча, доира, тухумсимон ёки кўп бурчакли шаклдаги, ҳар хил ўлчовли металл нишон [11]. Демак, медаль бу – бирор касб, соҳа вакиллари ёки воқеа, жой номига чиқариладиган, алоҳида хизмат ёки муваффақиятлари учун бериладиган, турли шаклдаги икки томонига бўртма тасвир туширилган ва ёзуви бўлган металл нишон. Медаллар олтин, кумуш, бронзадан тайёрланади. Биринчи медаль Римда пайдо бўлган. Италияда, Византияда медаль яшаш санъати XIV-XVI асрларда бошланган. Медаль давлат ёки жамоатчиллик мукофоти сифатида алоҳида хизматлар, мардлик учун, фан, маданият, спорт соҳасидаги катта ютуқлар учун, юбилей саналари муносабати билан эсдалик учун, бирор-бир воқеада иштирок этганлик учун берилади [11]. *Болалар уруш йилларида кўмондонлар номидан ёзилган ташаккурномаларни, ҳар хил медаль ва орденларни топиб келишди.* Э.Раимов, Ажаб қишлоқ [9].

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасида кўплаб медаллар таъсис этилди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги қонуни 9-моддаси Ўзбекистон Республикасининг медаллари тўғрисида бўлиб, улар куйидагилардан иборат: «Жасорат» медали; «Содик хизматлари учун» медали; «Келажак бунёдкори» медали; «Шухрат» медали; «Соғлом турмуш» медали [1].

Кўкрак нишони флеронимлар. Кўкрак нишони – бу энг фаол фалероним ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари давлат ва жамият тарихидаги муҳим саналарга ва воқеаларга аталган эсдалик ва кўкрак нишонлари таъсис этилади. Мазкур фалероним билан кишиларни жамоада рағбатлантирилиши унинг обрў-эътиборини оширади. Шунингдек, бошқаларда ҳам шундай фаол ишлаш истагини оширади.

Ўзбек тилининг изохли луғатида ушбу фалеронимдаги нишон сўзларининг маъноси қуйидагича изоҳланган:

“Нишон [*ф.* – белги, из; муҳр, тамға; аломат; мўлжал; орден, медаль] 1. Атайлаб қўйилган ёки табиий белги; аломат. *Боланинг ўнг бетида нишони бор... б. эск. кам қўлл.* Орден; медаль. *Кўкрагида яқинда олган «Меҳнат шуҳрати» нишони.* Газетадан” [8].

Кўкрак нишони фалероними тақиладиган медаль ёки белги бўлиб, уни тақдирлаш маросимида кўкракка тақилади. Мазкур фалеронимнинг номидан бирор ютуқ ва муваффақиятлари учун тақдирланганини англаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири)нинг 20-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларини (премияларини), эсдалик ва кўкрак нишонларини, идоравий мукофотларни таъсис этиш)да қуйидаги фикр берилган[1]:

“Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат мукофотлари бўлмаган Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари (премиялари), давлат ва жамият тарихидаги муҳим саналарга ва воқеаларга аталган эсдалик ва кўкрак нишонлари таъсис этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан идоравий мукофотлар таъсис этилиши мумкин”. Булардан аёнки, эсдалик ҳамда кўкрак нишонлари ҳам кишиларни янги муваффақиятлар сари руҳлантиргани учун фалеронимлар сирасига киради.

“Мўътабар аёл” кўкрак нишони, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишони, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишони.

Давлат мукофотлари. Давлат мукофотлари ҳам фалероним турларидан бири бўлиб, ушбу мукофот давлат томонидан таъсис этилади. Бирор улут олим ёки шоир номидаги мукофот бўлиб, у билан ютуққа эришган бир шахс ёки жамоа рағбатлантириш мақсадида тақдирланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида мукофотларнинг номлари қуйидагича изоҳланган: “Мукофот [*а.* – тақдирлаш, тўлов; товон пули] Бирон-бир фаолият соҳасидаги алоҳида ютуқлар учун рағбатлантириш шакли (қимматли буюм, пул, медаль, орден ва ш.к.). Олий мукофот. Давлат мукофоти. Пул мукофоти. Мукофот бермоқ. Мукофот олмоқ. Мукофотга тақдим этмоқ” [9].

Мукофотлар ҳам одамларни янги муваффақиятларга рағбатлантирадиган воситалардан бири ҳисобланади. Улар қуйидаги турларга бўлинади: 1) оддий мукофот – ишхоналардан байрам олди ва яхши ишлагани учун бериладиган рағбатлантириш тури; 2) ҳокимликлар томонидан бериладиган мукофотлар – мақтов ёрлиғи, ташаккурнома, фахрий ёрлиқ ва моддий маблағга асосланган мукофотлар; 3) таълим-тарбия тизимида ўқувчи, талаба, магистрант ва уларнинг устозларини рағбатлантириш учун бериладиган фахрий ёрлиқ, ташаккурномалар; 4) давлат мукофотлари – давлат томонидан кишиларни рағбатлантирувчи воситалардан бири. Бу мукофот бошқа мукофотлардан фарқ қилган ҳолда энг олий мукофотлар сирасига киради. Мисол: *Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти.*

Хулоса қилиб айтганда, фалеронимлар – кишиларни ижтимоий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги фаолиятини янада рағбатлантириш учун мамлакат раҳбари – Президент томонидан чиқарилган фармонлар асосида таъсис этилади. Ўзбек номшунослигида фалеронимлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Давлат мукофотлари тўғрисида “ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида: Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрел ЎРҚ-473-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/3676244>
2. Бегматов Э.А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – 264 б.
3. Бурков В.Г. Историография отечественных фалеронимов и фалеристики: учеб. пособие/. – Ленинград. гос. ун-т. Л: ЛГУ, 1990. – 88 с.
4. Бурков В.Г. Фалеристика: учебное пособие. – Москва: РГГУ, 2000. –164 с.
5. Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – Москва: Наука, 1988. – 187 с.
6. А.В.Суперанская . Теория и методика ономастических исследований. – Москва: Наука, 1986. – 256 с
7. Русча-ўзбекча луғат. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 888 б .
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II том. – Москва: Рус тили, 1981. – 541 б.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 671б.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 560 б.
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 568 б.
12. Эназаров Т., Хусанова М., Есемуратов А. Ўзбек номшунослиги: монография. – Тошкент: Наврўз. 2015. – 224 б.